20 (674)

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри | 2009 йил 20 май. Чоршанба | 1996 йилдан чиқа бошлаган | www.mahalla.uz

## ЧЕМПИОНЛАР МАҲАЛЛАДА УЛҒАЯДИ

Жисмонан ва маънан соғлом авлод мамлакат тараққиётининг таянчи ва қудратидир. Зеро, бугунги ёшларнинг шижоати эртанги кунимизнинг фаровонлигини таъминлайди. Шу мақсадда истиқлолнинг илк йилларидаёқ юртимизда баркамол авлоднинг таълими, тарбияси борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.



Хусусан, уларнинг жисмонан соғлом бўлишини таъминлаш мақсадида спортни ривожлантиришга бирламчи вазифа сифатида қаралди. Юртимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган замонавий типдаги спорт мажмуалари ва майдонлар фикримизнинг далилидир. Айниқса, бугунги кунда чекка қишлоқ ва маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшларнинг спортга жалб этилаётгани ижобий самара бераётир. Натижада қишлоқ ва маҳалла ёшларидан дунё эътироф этган чемпионлар чиқмоқда. Улар халқаро мусобақаларда давлатимиз байроғини юқори кўтариб, ватанимиз шуҳратини жаҳонга ёймоқда.

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳам мамлакатимиз маҳаллаларида анъанавий тарзда турли спорт мусобақаларини изчил ташкил этиб келаётир. Бу тадбирлар оилаларда соғлом муҳитни қарор топтириш, спортни тарғиб этишда муҳим омил бўлмоқда.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ > [2]

Республикамиз маҳаллаларида

## ТАЖРИБА ЎРГАНИЛДИ

**Сурхондарё вилоятининг турли соҳа вакилларидан иборат бир гуруҳ меҳмонлар амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишиш ва ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Андижон вилоятида бўлдилар. Улар шаҳар ва туманларда ижро интизоми ва ҳужжатлар билан ишлаш, вилоятда олиб борилаётган кенг кўламдаги яратувчилик, вилоят аҳлининг саломатлигини сақлаш ҳамда дам олишини ташкил этиш ишларни кўздан кечиришди.**

— Вакиллар таркибига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мутасаддиларининг киритилиши айни муддао бўлди, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлими раиси Эркин Кўчкинов. — Биз Асака, Шаҳрихон туманларидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлдик. Йиғинларнинг замонавий бинолар, асбоб-ускуналар билан таъминлангани, идораларда ҳужжат ишларининг юритилиши, коммунал тўловларни йиғиш ва томорқалардан фойдаланишда тўпланган тажрибалар, айниқса, бизга маъқул келди. Келгусида бу тажрибалардан ўз фаолиятимизда кенг фойдаланишни мақсад қилдик.

Меҳмонлар Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида, вилоятдаги бир қатор корхона ва фермер хўжаликларида ҳам бўлдилар. Янги ташкил қилинган ёшлар маркази, болалар шаҳарчаси ва бошқа бир қатор иншоотлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

**Узоқбой САКСОНБОЕВ, "Mahalla" мухбири.**

## "ҒАЗБЕРОН" — ЯНГИ ЙИҒИН

**"Деча" маҳалласи ҳудудидаги Ғазберон қишлоғида икки минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли сонининг йил сайин ўсиб бораётгани ва қишлоқнинг маҳалла марказидан олисда жойлашгани сабабли мазкур ҳудудда «Ғазберон» маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилди.**

— Айни пайтда янги маҳалла биносини зарур мебеллар билан жиҳозлаяпмиз, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Ромитан тумани бўлинмаси раиси Аҳмад Мустафоев. — Йил якунига қадар йиғин идораси учун алоҳида компьютер жамланмаси олиб берамиз. Албатта, бундай шарт-шароитларнинг яратилиши йиғин мутасаддиларига ҳудуддаги ишларни яхши йўлга қўйиш, ободончилик ишларини олиб бориш ҳамда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасидаги вазифаларни амалга оширишда қулайлик туғдиради.

**Акбар РУСТАМОВ, "Mahalla" мухбири.**

## «ҚЎША ҚАРИБ, ҚАДР ТОПГАНЛАР»

**15 май — Халқаро оила куни муносабати билан Боғот тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси, туман «Оила» илмий-амалий маркази ҳамкорлигида энг намунали оилалар иштирокида «Қўша қариб, қадр топганлар», номли тадбир бўлиб ўтди.**

Деҳқонбозор қишлоғида яшовчи Курёзовлар, Бешариқ қишлоғида истиқомат қилувчи Матниёзовлар ҳамда Хўжалик қишлоғидаги Абдуллаевлар оилалари тадбир иштирокчилари томонидан энг намунали, деб топилди. Улар йиғилганларга ўзларининг бой ҳаётий тажрибалари, турмуши давомида кўрган-кечирганлари, оила тотувлигини таъминлаш сирлари ҳақида атрофлича ҳикоя қилиб беришди.

Боғот тумани маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчилари тайёрлаган саҳна кўринишлари кечага ўзгача руҳ бағишлади. Тадбир ниҳоясида мутасадди ташкилотлар томонидан оилаларга эсдалик совғалари топширилди.

**Юлдуз ҲОЖИЕВА, «Mahalla» мухбири.**

Тараддуд

## ТАНЛОВЛАР — ФАОЛИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Бугунги кунда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ташаббуси, қолаверса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллиги асосида фуқаролар йиғинлари тизимида ўнлаб кўрик-танловлар ўтказиб келиняпти.

Энг муҳими, ушбу кўрик-танловлар йиғин мутасаддиларининг билим ва кўникмаларини янада оширишга, тўпланган илғор тажрибаларни кенг оммалаштиришга, маҳалланинг жамиятдаги мавқеини оширишга хизмат қилаётир.

Халқимиз анъаналаридан келиб чиқиб, маҳаллаларда оилаларнинг тинч-тотувлигини таъминлаш, хонадонларда ижтимоий муҳитнинг бузилишига сабаб бўладиган иллатларнинг олдини олиш, маҳаллада истиқомат қилувчи намунали оила бошлиқлари, нуронийлар фаоллигини ошириш ҳамда комиссия фаолияти тўғрисидаги низом қоидаларининг бажарилиш даражасини ўрганиш ва бу борадаги илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш мақсадида ҳар йили маҳаллаларда "Фуқаролар йиғинларининг энг фаол яраштириш комиссияси" кўрик-танлови ўтказиб келиняпти. Айни кунларда маҳаллаларда мазкур танловнинг илк босқичлари кўтаринки руҳда ташкил этиляпти.

Бундан ташқари, алла, лапар, ёр-ёр ва ўлан айтиш борасидаги миллий қадриятларимизни тиклаш, бундай нодир анъаналарни ёшлар ўртасида кенг оммалаштириш, оила бекаларининг тафаккурини янада кенгайтириш, қолаверса, ёр-ёр, лапар ва ўлан айтадиган истеъдод эгаларини кашф этиш мақсадида "Оналар куйлаганда" кўрик-танлови эълон қилинди. Тўрт босқичдан иборат танловда асосий эътибор иштирокчиларнинг халқ орасида муҳим ўрин тутган миллий лапар, алла ва айтишувларни топиб, меъёрига етказиб ижро этишига қаратилади. Унда маҳаллалардаги фольклор-этнографик ансамбллар, мазкур йўналишлар бўйича ижод қиладиган санъаткор ва ҳавасмандлар иштирок этиши мумкин. Ғолиблар махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Шунингдек, энг нодир ижод намуналарини телевидениеда намойиш этиш кўзда тутилган.

Маҳалла муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иллатларни бартараф этиш, носоғлом муҳит юзага келган оилалар билан якка тартибда ишлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ҳар бир оилага кириб бориб, зарур пайтда уларга ёрдам қўлини чўзиш каби юмушлар маҳалла маслаҳатчилари фаолиятига бевосита тегишлидир. Бу борада фаоллик кўрсатаётган маслаҳатчиларни аниқлаш ва илғор тажрибаларни бошқа маҳаллаларда ҳам оммалаштириш мақсадида "Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танловини ўтказиш ҳам анъанага айланди.

Жорий йилда ушбу танловни янада мукаммаллаштиришни кўзда тутиб, унинг низомига баъзи ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида чекка қишлоқ ва маҳаллаларда фаолият юритаётган маслаҳатчилар фаолиятига кенг урғу берилиши, маҳалла маслаҳатчилари билан бир қаторда, қишлоқ фуқаролар йиғинининг энг фаол маслаҳатчисини ҳам аниқлаш белгилаб қўйилган. Қолаверса, қишлоқ жойларда маслаҳатчилар фаолиятини яхши йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатаётган йиғин мутасаддиларини ҳам бир неча номинациялар бўйича тақдирлаш режалаштирилган.

**Ҳ.БЕРДИМУРОДОВ**

Семинар

## МАСЛАҲАТЧИГА УСЛУБИЙ КЎМАК

Самарқанд, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2009 йил 22 апрелдаги «Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иш фаолиятини таҳлил қилиш, баҳолаш ва ижобий иш тажрибаларини кенг оммалаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори ижроси юзасидан семинар ўтказилди.

Унда маҳалла маслаҳатчиларининг вазифалари, иш фаолияти ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари атрофлича муҳокама қилинди.

— Маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг иш самарадорлигини оширишда хотин-қизлар қўмиталари ва «Маҳалла» жамғармаси алоҳида ўрин тутади, — дейди «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви етакчи мутахассиси Гавҳар Алимова. — Миллий либосларимиз, қадриятларимизни кенг тарғиб этиш ҳамда ёшларнинг одоб-ахлоқ ва кийиниш маданиятини шакллантиришда маҳалла маслаҳатчиларидан катта масъулият ва билим талаб этилади. Бундан ташқари, тадбирда маслаҳатчиларнинг низомда белгиланган вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва кадрлар етиштириш бўйича ҳам фикр алмашиб олинди.

Шунингдек, йиғилишларда хотин-қизлар ва ёшларнинг тиббий маданиятни ошириш борасида ҳам таклифлар билдирилди.

**Раҳимжон ШЕРҚУЛОВ**

Асосий тушунчалар

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ КЕНГАШИ

**Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йиғинлари оралиқ давридаги жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар раислари ва масъул котибдан иборат бўлган таркибда** фуқаролар йиғини кенгаши **тузилади.**

> [2]

«Умид ниҳоллари —2009»

## ГУЛИСТОН ЁШ СПОРТЧИЛАРНИ КУТМОҚДА

**Мамлакатимизда ёш авлоднинг маънан баркамол, жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлиб камолга етишлари учун барча имкониятлар яратилган. Уч босқичли — мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», коллеж ва лицей ўқувчиларининг «Баркамол авлод», олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада» спорт мусобақалари навқирон авлод ҳаётининг ажралмас қисмига айланди.**

Шу кунларда сирдарёликлар «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақаларининг финал босқичи меҳмонлари ва иштирокчиларини кўнгилдагидек кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу ишда вилоятдаги 350 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг иштирокини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Вилоятнинг қайси маҳалласига, қишлоғига борманг, қимирлаган жон борки, дарахт ўтказиш, гул экиш, кўча-кўйни обод қилиш билан машғуллигини кўрасиз.

Шу йил 14—15 март кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Шундан сўнг «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақалари олдидан вилоятда «Юртимизни обод гўшага айлантирамиз», деб номланган ҳаракат бошланди. Вилоят ҳокимининг фармойиши билан март ва апрель ойлари вилоят ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, деб эълон қилингач, бу ҳаракат авж олди.

Мамлакатимиз пойтахтидан келадиган меҳмонлар Сирдарё вилояти ҳудудига қадам қўяр экан, "Тошкент—Термиз" йўлининг Катта ўзбек трактида, темир йўл бўйларида жойлашган 28 та маҳаллада катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари олиб борилганлигининг гувоҳи бўлади.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ > [2]

Мулоҳаза минбари

## "ОММАВИЙ МАДАНИЯТ"НИНГ ҚИММАТИ ҚАНДАЙ?

"Маънавият — узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлади. Маънавият деганда авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан", деганди Юртбошимиз.



Дарҳақиқат, бугунги шиддаткор замонда инсон маънавиятининг даражаси ва маданияти халқнинг эртанги кунини, тақдирини белгилаб бермоқда. Шундай пайтда юртимизга турли воситалар орқали четдан миллий қадрият ва маданиятимизга зид бўлган, ўзида ғайриахлоқий иллатларни ташувчи арзонгаров нарсалар кириб келаётирки, чинакам маданиятга алоқасиз бу нарсалар "оммавий маданият", дея аталмоқда.

Мазкур тушунчага айрим мутахассислар қуйидагича изоҳ беради: мактаб ўқувчилари улғайгани сари уларнинг билими тадрижий равишда мураккаблашиб боради. 1-синф ўқувчиси тушунган нарсани 4-синф ўқувчиси, албатта, тушунади, лекин 4-синф ўқувчиларига маълум бўлган билимлар 1-синф ўқувчиси учун мураккаблик қилади. Демак, "оммавий маданият"ни вужудга келтириш 1-синф тингловчиларига тушунарли бўлган нарсаларни барча юқори синф ўқувчилари ўртасида ёйишга ўхшайди. Шу боис, "оммавий маданият" маҳсуллари савияси паст, ибтидоий даражадаги нарсалардир, дея қайд этади олимлар.

Айтиш жоизки, бу иллат ватанпарварлик, ўзаро меҳр-оқибат, инсонпарварлик каби умуминсоний қадриятларни тарғиб этмайди. Аксинча, меҳнат қилмай, осон йўл билан бойлик орттиришни омма онгига сингдиришга уринади. Ўзининг ўта содда, жўнлиги боис, "оммавий маданият" тез тарқалади ва, энг аввало, моддий-маънавий меросга, мумтоз маданият ҳамда санъатга таҳдид солади.

МАЪНАВИЯТ > [4]

Бугуннинг гапи

## Тўйимизнинг гўзаллиги миллийликда

Асрлардан ошиб аждодлардан-авлодларга ўтиб келаётган миллий тўйларимизда, маросимларимизда халқимизга хос урф-одатлар, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик, бағрикенглик каби фазилатлар ўзининг ёрқин ифодасини топган.



Афсуски, шўролар замонида тўй ва маросимларимиз билан боғлиқ анъаналаримиз «эскилик сарқити»га чиқарилди. Энг ёмони, ёшлар онгига қадриятларимизга салбий муносабатда бўлиш, анъаналарни истаганча ўзгартириш мумкин, деган ақидаларни сингдиришга уринилди. Тўйларга енгил-елпи қўшиқлар куйлайдиган отарчиларни, ҳаёсиз ўйинчиларни чорлаш, дастурхонга спиртли ичимликларни ҳаддан зиёд қўйиш ҳамда келинларнинг очиқ-сочиқ кийиниши ана шундай таъсирлар оқибатидир. Бундан ташқари, айрим жойларда тўй ҳашамлар ва маросимларни ўтказишда дабдабабозликка, исрофгарчиликка йўл қўйиш, айниқса, никоҳ тўйларини ўтказишда миллий урф-одатларимиздан чекиниш, йўл-транспорт ҳаракати, овоз кучайтиргич воситаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслик ҳоллари содир этилди.

1998 йилнинг 28 октябрида Президентимизнинг оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони қабул қилинган эди. Ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Мусулмонлар идораси томонидан Фатво талаблари тайёрланди. Республика «Маҳалла» жамғармаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2003 йил 14 февралдаги қўшма қарори билан тасдиқланган Республикада мавжуд анъанавий удумлар, тўйлар, дафн маъракалари, бошқа миллий маросимлар ва уларни замон талабларига жавоб берадиган тарзда, ихчам ҳамда тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Республикамизда 10124 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари мавжуд бўлиб, уларда 8800 дан кўпроқ «Тўй, ҳашам ва маросимларни ўтказиш» комиссиялари ташкил этилган. Бу комиссияларга 52 минг нафардан зиёд қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари фаоллари, зиёлилар, обрўли ва намунали оилалар вакиллари аъзо этиб сайланган. Бугун уларнинг кучи ва саъй-ҳаракати билан мамлакатимиз ҳудудида ўтказиб келинаётган 40 дан ортиқ тўй ва маросимлар билан боғлиқ ортиқча удумларни қисқартиришга эришилди.

МАЪНАВИЯТ > [4]

**Азиз муштарий! Газетамизга обуна йил бўйи давом этади. У сизнинг доимий ҳамроҳингиз ва маслакдошингиздир.**

